

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

---

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими**

**БИБЛИОГРАФИК ЁЗУВ. ЭЛЕКТРОН КЎРИНИШДАГИ  
АХБОРОТ-КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИНИНГ  
БИБЛИОГРАФИК ТАВСИФИ**

**Умумий талаблар ва тузиш қоидалари**

**Расмий нашр**

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва  
сертификатлаштириш агентлиги

Тошкент

## Сўз боши

1 «UNICON.UZ» - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази Давлат унитар корхонаси («UNICON.UZ» ДУК) томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

2 Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги стандартлаштириш бўйича 7-сон техник қўмита томонидан КИРИТИЛГАН

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)нинг 2011 йил 1 ноябрдаги 05-346-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН

4 Ушбу стандарт амалга киритилиши билан ГОСТ 7.82-2001 стандартининг амал қилиши Ўзбекистон ҳудудида тўхтатилади

5 Ушбу стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг нормалари амалга оширилган.

*Ўзбекистон ҳудудида ушбу стандарт ва унга киритилган ўзгартиришларнинг амалга киритилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) тўғрисидаги ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан наир этиладиган кўрсаткичда эълон қилинади. Ушбу стандарт қайта кўриб чиқилганда ёки бекор қилинганда тегишли ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан наир этиладиган ахборот кўрсаткичда эълон қилинади.*

«Ўзстандарт» агентлиги ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий эълон қилиш мутлақ ҳуқуқига эга.

## Мундарижа

1	Қўллаш соҳаси. . . . .	1
2	Норматив ҳаволалар. . . . .	1
3	Атамалар ва таърифлар . . . . .	2
4	Умумий қоидалар. . . . .	2
4.1	Машина ўқийдиган MARC - форматлар. . . . .	2
4.2	MARC - форматда библиографик тавсифнинг объекти. . . . .	3
4.3	MARC - форматда библиографик тавсифнинг тузилмаси ва таркиби. . . . .	3
4.4	Ахборот манбалари. . . . .	4
4.5	Тавсиф тили. . . . .	6
4.6	Тиниш белгилари. . . . .	6
4.7	Қисқартмалар. Бош ҳарфлар. Матбаа хатолари. . . . .	7
5	Библиографик тавсиф соҳалари ва элементлари . . . . .	8
5.1	Ахборот-кутубхона ресурсининг электрон кўринишдаги тавсиф соҳалари ва элементлар рўйхати . . . . .	8
5.2	Ахборот-кутубхона ресурсининг электрон кўринишдаги тавсиф схемаси. . . . .	11
5.3	Сарлавҳа соҳаси ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар. . . . .	12
5.4	Нашр соҳаси. . . . .	17
5.5	Ресурс тури ва ҳажми соҳаси. . . . .	18
5.6	Чиқувчи маълумотлар соҳаси. . . . .	20
5.7	Физик тавсиф соҳаси. . . . .	23
5.8	Серия соҳаси. . . . .	26
5.9	Изоҳ соҳаси. . . . .	27
5.10	Стандарт рақами (ёки унинг муқобили) ва фойдаланиш қулайлиги шартлари соҳаси. . . . .	31
6	MARC - форматдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг электрон кўринишдаги библиографик тавсифининг хусусиятлари. . . . .	31
A	илова (мажбурий) Умумий сарлавҳаси бўлмаган ахборот-кутубхона ресурсларининг электрон кўринишдаги тўпламларининг библиографик ёзувлари. . . . .	34
B	илова (мажбурий) Бир неча алоҳида қисмлар (нашрлар)дан иборат ахборот-кутубхона ресурсларининг электрон кўринишдаги йиғма библиографик ёзувлари . . . . .	36
C	илова (мажбурий) Ахборот-кутубхона ресурсининг электрон кўринишдаги таркибий қисмининг библиографик ёзуви. . . . .	38
D	илова (маълумот учун) Ахборот-кутубхона ресурсларининг электрон кўринишдаги библиографик ёзувларига мисоллар. . . . .	39



**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

---

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими  
БИБЛИОГРАФИК ЁЗУВ. ЭЛЕКТРОН КЎРИНИШДАГИ  
АХБОРОТ-КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИНИНГ  
БИБЛИОГРАФИК ТАВСИФИ  
Умумий талаблар ва тузиш қоидалари**

**Система стандартов по информации, библиотечному и  
издательскому делу  
БИБЛИОГРАФИЧЕСКАЯ ЗАПИСЬ. БИБЛИОГРАФИЧЕСКОЕ  
ОПИСАНИЕ ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫХ РЕСУРСОВ  
В ЭЛЕКТРОННОМ ВИДЕ  
Общие требования и правила составления**

System of standards on information, librarianship and publishing  
Bibliographic recording. Bibliographic description for information-library  
resources in electronic form. General requirements and rules

---

Кириштиш санаси 2012-01-01

**1 Қўллаш соҳаси**

Ушбу стандарт электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг библиографик тавсифини MARC - форматда тузишнинг умумий талаблари ва қоидаларини белгилайди: библиографик тавсиф соҳалари ва элементлари тўплами, уларнинг жойлашиш кетма-кетлиги, элементларни тўлдириш ва тақдим этиш усули, шартли ажратувчи белгиларнинг қўлланиши, шунингдек миллий хусусиятларни қўллаган ҳолда, электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг тавсиф параметрларининг ҳисобини юритиш.

Стандарт тавсифи ахборот-кутубхона муассасалари, илмий-техник ахборот идоралари, давлат библиография марказлари, бошқа библиография қилувчи муассасалар томонидан тузиладиган электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсларига тегишлидир.

**2 Норматив ҳаволалар**

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.11-2004 Система стандартов по информации, библиотечному

О‘з DSt 2312:2011

и издательскому делу. Библиографическая запись. Сокращение слов и словосочетаний на иностранных европейских языках

ГОСТ 7.12-93 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Библиографическая запись. Сокращение слов на русском языке. Общие требования и правила

ГОСТ 7.76-96 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Комплектование фонда документов. Библиографирование. Каталогизация. Термины и определения

ГОСТ 7.80-2000 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Библиографическая запись. Заголовок. Общие требования и правила составления

О‘з DSt 1214:2009 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот-кутубхона фаолияти, библиография. Атамалар ва таърифлар

О‘з DSt 1215:2009 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими Библиографик ёзув. Библиографик тавсиф. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари

О‘з DSt 2310:2011 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Электрон нашрлар. Асосий турлари ва чиқиш маълумотлари

Изоҳ - Ушбу стандартдан фойдаланилганда ҳавола қилинган стандартларнинг Ўзбекистон ҳудудида амал қилишини жорий йилнинг 1 январигача бўлган ҳолати бўйича тузилган стандартларнинг тегишли кўрсаткичи ва жорий йилда эълон қилинган тегишли ахборот кўрсаткичлари бўйича текшириш мақсадга мувофиқдир. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, у ҳолда ушбу стандартдан фойдаланилганда алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиш лозим. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, у ҳолда унга ҳавола қилинган қоида, ушбу ҳаволага тааллуқли бўлмаган қисмида қўлланилади.

### **3 Атамалар ва таърифлар**

Ушбу стандартда ГОСТ 7.76 ва О‘з DSt 1214, О‘з DSt 2310 бўйича атамалар қўлланилади.

### **4 Умумий қоидалар**

#### **4.1 Машина ўқийдиган MARC - форматлар**

4.1.1 Библиографик тавсифнинг ягона форматини автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимларининг технологик асоси каби яратиш учун машина ўқийдиган коммуникатив MARC-формат (Machine-Readable Cataloging) – машина ўқийдиган каталогли ёзув форматидан фойдаланиш керак, унинг вазифаси бўлиб машина ўқийдиган шаклдаги библиографик ёзувларга бериладиган майдон ости белгилари, индикаторлари ва кодларини белгилаш, ёзувлар ва улар мазмунининг аниқловчилари электрон кўринишда сақланадиган структурасини аниқлаш ва форматнинг тўлдирилиши ҳисобланади Учта кичик элементга ажратилади: кодлар,

белгилар ва майдон остилар.

4.1.2 Коммуникатив форматнинг ёзув структурасини тавсифлаш ISO 2709 [1] халқаро стандартга мувофиқ келади. MARC форматда маълумотлар элементларини аниқлаш ва уларни ёзув структурасида кодлаш уч символли белги даражаси билан ўтказилади.

## **4.2 MARC - форматда библиографик тавсифнинг объекти**

4.2.1 MARC - форматда библиографик тавсифни тузиш учун объект бўлиб, компьютер томонидан бошқариладиган электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурслари, шу жумладан компьютерга уланган периферия қурилмаларидан фойдаланишни талаб қиладиганлар ҳисобланади. Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурслари электрон маълумотлар (сонлар, ҳарфлар ёки уларнинг комбинациялари кўринишидаги ахборот), электрон дастурлар (маълум вазифаларнинг бажарилиши, шу жумладан маълумотларни қайта ишлашни таъминлайдиган операторлар ёки кичик дастурлар тўплами) ёки бу турларнинг бир ресурсда бирлигидан иборат. Фойдаланиш режимига боғлиқ ҳолда электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурслари локал фойдаланиш (фойдаланувчи томонидан компьютерга жойлаштирилиши керак бўлган алоҳида физик элтувчида қайд қилинган ахборот билан) ва узоқдан фойдаланиш (винчестрдаги ёки бошқа эслаб қолувчи қурилмалардаги ёки ахборот тармоқларида, масалан, Интернетда жойлаштирилган ахборот билан) ресурсларига бўлинади.

4.2.2 Ушбу стандартнинг контекстида локал ва узоқдан фойдаланишнинг электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсларидаги материаллар эълон қилинган ҳисобланади.

## **4.3 MARC – форматда библиографик тавсифнинг структураси ва таркиби**

4.3.1 MARC - форматда электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг библиографик тавсифи библиографик ёзувнинг асосий қисми ҳисобланади ва белгиланган қоидалар бўйича келтирилган ҳамда ахборот-кутубхона ресурсини электрон кўринишда идентификация қилиш, шунингдек унинг мазмуни, вазифаси, физик характеристикалари, тизим талаблари, фойдаланиш режими, тарқатиш усули ва ш.к. тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш имконини берадиган библиографик маълумотлардан иборат.

4.3.2 MARC - форматда электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг библиографик тавсифи соҳада бирлаштирилган ва O‘z DSt 1215 ва ISO 2709 [1] бўйича белгиланган кетма-кетликда жойлаштирилган элементлардан иборат.

4.3.3 MARC - форматда библиографик тавсиф элементлари мажбурий ва факультатив элементларга бўлинади. Факультатив элементлар соҳалар ва элементлар рўйхатида алоҳида белгиланган.

4.3.4 Ушбу стандартга мувофиқ яратилган тавсиф ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича бошқа стандартларнинг объектлари бўлган библиографик ёзувнинг турли элементлари - сарлавҳа, предмет

рубрикалари ва ш.к. билан ГОСТ 7.76 бўйича тўлдирилади.

Сарлавҳани келтириш қоидалари - ГОСТ 7.80 бўйича.

Тўлиқ библиографик ёзувлар мисоллари А, В, С ва D иловаларда келтирилган.

#### 4.4 Ахборот манбалари

4.4.1 Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг библиографик тавсифини тузиш учун ахборот чикувчи маълумотларнинг маълум элементларидан, улардан фойдаланишнинг белгиланган кетма-кетлигига мувофиқ олинади.

4.4.2 Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсларида мавжуд бўлган ахборот манбалари барча қолган манбалардан афзалдир. Бундай ахборот расман мавжуд бўлиши керак, масалан, титул экранда, асосий менюда, дастур тўғрисидаги маълумотларда, ахборотнинг биринчи марта экранга чиқарилишида, шунингдек, аниқ ажратилган идентификация қилувчи маълумотларда. Агар юқорида келтирилган бир қанча манбалардан фойдаланилса, уларнинг комбинациясига ягона асосий манба сифатида қаралади.

4.4.3 Агар ички манбалар етарли бўлмаса, шунингдек, уларни ўқишнинг иложи бўлмаса, қуйидаги тартибда бошқа манбалардан фойдаланилади:

- ресурсининг физик элтувчисидagi ёрлик ёки маркадан;
- техник хужжатлар, бошқа илова материали ёки контейнер (кути, конверт, папка ва ш.к.)дан;
- маълумот нашрлари ва электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсидан ташқари бошқа манбалар, масалан, метамаълумотлардан.

4.4.4 Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсини тавсифлаш соҳалари учун ахборотнинг белгиланган манбалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

MARC - формат бўйича маълумотлар майдони	Соҳа	Белгиланган манба
Идентификация блоки	Стандарт рақам соҳаси	Исталган манба
- халқаро стандарт китоб рақами (ISBN) ёки серияли нашрнинг халқаро стандарт рақами (ISSN)	Стандарт рақами (ёки унинг муқобили)	Исталган манба
- умумий қайта ишлаш маълумотлари - матн тили, товуш ёзиш, ва х.к. (қайтарилган)	Кодлар: хужжатнинг тури, кўриниши, тавсифи	Исталган манба

## 1-жадвалнинг давоми

MARC – формат бўйича маълумотлар майдони	Соҳа	Белгиланган манба
- нашр қилиш шаҳри - кодланган маълумотлар майдони: компьютер файл-лари		
Тавсифланган ахборот блоки - жавобгарлик тўғрисидаги сарлавҳа ва маълумотлар	Жавобгарлик тўғрисидаги сарлавҳа ва маълумотлар соҳаси	Ички манбалар, физик элтувчидаги (CD-ROM, DVD-ROM ва бошқалар) ёрлик, маркалаш, техник ҳужжатлар, бошқа илова материали ёки контейнер
- нашр тўғрисидаги маълумотлар	Нашр қилиш соҳаси	Ички манбалар, физик элтувчидаги ёрлик, маркалаш, техник ҳужжатлар, бошқа илова материали ёки контейнер
- электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурси - тури, ҳажми, тизим талаблари	Ресурснинг тури ва ҳажми соҳаси	Исталган манба
- нашр қилиш, тарқатиш ва ҳ.	Чиқувчи маълумотлар соҳаси	Ички манбалар, физик элтувчидаги ёрлик, маркалаш, техник ҳужжатлар, бошқа илова материали ёки контейнер
- физик характеристика	Физик характеристика соҳаси	Исталган манба
- серия	Серия соҳаси	Ички манбалар, физик элтувчидаги ёрлик, маркалаш, техник ҳужжатлар, бошқа илова материали ёки контейнер

## 1-жадвалнинг охири

MARC – формат бўйича маълумотлар майдони	Соҳа	Белгиланган манба
Изоҳлар блоки - умумий изоҳлар	Қўллаш соҳаси	Исталган манба
- компьютер файли турига изоҳлар		
- техник характеристикаларга изоҳлар: компьютер файллари		
Халқаро фойдаланиш блоки - электрон ўрнашган жойи ва фойдаланиш	Ташқи объект соҳаси	Исталган манба

4.4.5 Ушбу соҳа учун белгиланмаган манбадан келтирилган, шунингдек электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг таҳлили асосида шакллантирилган маълумотлар квадрат қавслар ичига олинади.

#### 4.5 Тавсиф тили

4.5.1 Тавсиф ресурсдаги маълумотлар берилган ўша тил ва ўша графика (ёзув)да тузилади.

4.5.2 Материалнинг умумий белгиланиши, ресурсининг тури, ҳажми, унинг бошқа физик характеристикалари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, стандарт рақами соҳасида жойлаштирилган изоҳлар ва маълумотлар библиография қилувчи ташкилот тилида келтирилиши мумкин.

4.5.3 Библиография қилувчи муассасанинг тили ёки графикаси (ёзуви)дан фарқланадиган тил ёки графикадаги ресурсининг тавсифи транслитерация ёки транскрипцияда берилиши ва квадрат қавсларсиз келтирилиши мумкин.

#### 4.6 Тиниш белгилари

4.6.1 Биринчи соҳанинг биринчи элементидан ташқари, тавсифнинг ҳар бир элементидан олдин ёки кейин белгиланган тиниш белгилари келади. Ажратувчи белги (гача ва кейин) типография усулида босишда битта ҳарфга тўғри келадиган оралиқ билан ажратилади, битта кейинги оралиқ билан ажратиладиган вергул ва нуқта бундан мустасно. Қавсларга ягона белги сифатида қаралади ва биринчи қавсдан олдин ҳамда охириги қавсдан кейин оралиқ билан ажратилади.

4.6.2 Биринчи соҳадан ташқари, ҳар бир соҳадан олдин тиренинг икки томонидаги оралиқлар билан нуқта ва тире ( . - ) келади. Агар бу соҳа хатбошидан бошланса, матбаа воситалари ёки сатр боши билан ажратилган бўлса, нуқта ва тире олдинги соҳа охирида нуқта билан алмаштирилади.

## 4.6.3 Соҳалар доирасида қуйидаги ажратувчи белгилар белгиланган:

•	Нуқта
,	Вергул
:	икки нуқта
;	нуқта вергул
/	эгри чизик
//	иккита эгри чизик
○	думалоқ қавслар
□	квадрат қавслар
+	плюс белгиси
=	тенглик белгиси

4.6.4 Библиографик тавсиф элементлари ёки алоҳида жумлалар доирасидаги тиниш белгилари тавсиф тузилган тил нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### 4.7 Қисқартмалар. Бош ҳарфлар. Матбаа хатолари

4.7.1 Библиографик тавсифда ГОСТ 7.11 ва ГОСТ 7.12 га мувофиқ айрим сўзлар ва сўз бирикмаларининг қисқартмалари қўлланилади, шунингдек, физик катталиклар бирликлари белгиланишининг умумқабул қилинган қисқартмалари ва электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг баъзи физик характеристикаларининг бир хиллаштирилган қисқартмалари келтирилади.

4.7.2 Ҳар бир соҳанинг биринчи сўзи бош ҳарфлардан бошланади. Қолган ҳолларда бош ҳарфлар тавсиф тили ёки графикаси хусусиятларига мувофиқ қўлланилади.

4.7.3 Хужжатда матн маъносини бузмайдиган яққол хатолар ва матбаа хатолари мавжуд бўлганда, библиографик ёзувдаги маълумотлар тузатишга кўринишда келтирилади ва тузатишлар айтиб ўтилмайди. Матн маъносини бузувчи матбаа хатолари ёки орфографик хатолар ўзгартиришсиз электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсидан акс эттирилади. Улардан кейин квадрат қавсларда олдинроқ берилган «яъни» қисқартмаси ёки унинг бошқа тилдаги ёки бошқа графикадаги эквиваленти билан тўғри ёзилиши келтирилади. Ўтказиб юборилган ҳарфлар ёки рақамларни квадрат қавсларга олиб киритиш мумкин.

4.7.4 Фойдаланиш мумкин бўлган матбаа воситалари билан тиклаш мумкин бўлмаган символлар квадрат қавсларга олинган ҳарфлар ёки сўзлар кўринишидаги эквивалентлар билан алмаштирилади, масалан: [3–нашр] (нашрнинг тартиб рақами учта ромб билан белгиланган).

## 5 Библиографик тавсиф соҳалари ва элементлари

### 5.1 Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг тавсиф соҳалари ва элементлар рўйхати

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

MARC – формат бўйича маълумотлар майдони	Ажратувчи белгилар	Соҳа
<i>[Идентификация тўғрисида умумий маълумотлар]</i>		
идентификация блоки		стандарт рақами (ёки унинг муқобили) ва фойдаланиш шарти соҳаси
- халқаро стандарт китоб рақами (ISBN) ёки серияли нашрнинг халқаро стандарт рақами (ISSN)		стандарт рақами (ёки унинг муқобили)
- аниқлаш	=	асосий сарлавҳа
- сотиб олиш шартлари ва (ёки) баҳоси	:	фойдаланиш шартлари ва (ёки) баҳоси
<i>[Қайта ишлаш учун умумий маълумотлар]</i>		
умумий қайта ишлаш маълумотлари	кодлар: ҳужжатнинг тури, кўриниши, хусусияти	
умумий қайта ишлаш маълумотлари:		-
- ёзувни файлга киритиш санаси (мажбурий)		-
- эълон қилиш санасининг тури		-
- мақсадли вазифа коди		-
- ҳукумат нашри коди		-
- ёзув модификацияси коди (мажбурий)		-
- каталоглаштириш тили		-
матн, овоз ёзиш ва ҳ. тили (такрорланган)		-
нашр этиш мамлакати		-
кодланган маълумотлар майдони: компьютер файллари		-
- рақамли		-
- компьютер дастур(лар)и		-

## 2-жадвалнинг давоми

MARC – формат бўйича маълумотлар майдони	Ажратувчи белгилар	Соҳа
- тасвирий		-
- матнли		-
- нотаниш		-
- комбинацияланган		-
- бошқалар		-
<i>[Материалнинг умумий белгиланиши]</i>		
тавсифланган ахборот блоки:	Жавобгарлик тўғрисида сарлавҳа ва маълумотлар соҳаси	
- жавобгарлик тўғрисида сарлавҳа ва маълумотлар		асосий сарлавҳа
- параллел сарлавҳа	* =	параллел сарлавҳа
- сарлавҳа тўғрисида бошқа ахборот	* :	сарлавҳага тегишли маълумотлар
Жавобгарлик тўғрисида маълумотлар		
жавобгарлик тўғрисидаги бирламчи маълумотлар	* /	дастлабки маълумотлар
жавобгарлик тўғрисидаги иккиламчи маълумотлар	* ;	кейинги маълумотлар
Нашр этиш соҳаси		
нашр тўғрисида маълумотлар		нашр тўғрисида маълумотлар
нашр тўғрисида параллел маълумотлар	* =	нашр тўғрисида параллел маълумотлар
Нашрга тегишли жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар		
бирламчи маълумотлар	/	дастлабки маълумотлар
иккиламчи маълумотлар	* ;	кейинги маълумотлар
қўшимча маълумотлар	* ,	нашр тўғрисида қўшимча маълумотлар
Ресурс тури ва ҳажми соҳаси		
электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурси - тури, ҳажми, тизим талаблари		
ресурс тури ва ҳажми		ресурс турининг белгиланиши
<i>(Ресурс ҳажми)</i>		
нашр қилиш, тарқатиш ва ҳ.	чиқувчи маълумотлар соҳаси	
нашр қилиш, тарқатиш жойи ва ҳ.		нашр қилиш, ишлаб чиқариш ва (ёки) тарқатиш жойи
нашр этиш жойи		биринчи нашр этиш жойи
нашр этиш жойи (такрорланган)	* ;	кейинги нашр этиш жойи

## 2-жадвалнинг давоми

MARC – формат бўйича маълумотлар майдони	Ажратувчи белгилар	Соҳа
ношир номи	* :	ношир, ишлаб чиқарувчи ва (ёки) тарқатувчи номи
нашр этиш санаси		нашр этиш, ишлаб чиқариш ва (ёки) тарқатиш санаси
Тайёрлаш жойи	* (	тайёрлаш жойи
тайёрловчи номи	* :	тайёрловчи номи
Тайёрлаш санаси	,	тайёрлаш санаси
Физик характеристика	Физик характеристика соҳаси	
материалнинг специфик кўриниши ва хужжатнинг ёки унинг таркибий қисмлари физик характеристикасининг белгиланиши		материалнинг специфик белгиланиши ва физик бирликлар сони
физик характеристикаларнинг бошқа аниқликлари	:	бошқа физик характеристикалар
ўлчамлар	;	ўлчам
илова материали	* +	илова материали тўғрисида маълумотлар
Серия	Серия соҳаси	
- серия сарлавҳаси	(	серия ёки қуйи сериянинг асосий сарлавҳаси
- сериянинг параллел сарлавҳаси	* =	серия ёки қуйи сериянинг параллел сарлавҳаси
- сарлавҳага тегишли маълумотлар	* :	серия ёки қуйи серия сарлавҳасига тегишли маълумотлар
- жавобгарлик тўғрисида маълумотлар		серия ёки қуйи серияга тегишли жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар
- дастлабки маълумотлар	/	дастлабки маълумотлар
- дастлабки маълумотлар (такрорланган)	* ;	кейинги маълумотлар
- ISSN серияси	,	серия ёки қуйи сериянинг халқаро стандарт рақами (ISSN)
- серия ичидаги рақам, номи ва белгиланиши	;	серия ёки қуйи серия ичидаги рақамлаш

## 2-жадвалнинг охири

MARC – формат бўйича маълумотлар майдони	Ажратувчи белгилар	Соҳа
Изоҳлар блоки	Изоҳ соҳаси	
умумий изоҳлар		
компьютер файли кўринишига изоҳлар	. -	
техник характеристикаларга изоҳлар: компьютер файллари:	. - :	
- асосий сарлавҳа манбаи		
- библиография тарихи тўғрисида изоҳлар		
- саналар тўғрисида изоҳлар		
- бошқа изоҳлар		
Халқаро фойдаланиш блоки	Ташқи объект соҳаси	
- электрон ўрнашган жойи ва фойдалана олиш		
Изоҳлар 1 Соҳанинг ажратувчи белгиси рўйхатда кўрсатилмаган. 2 Факультатив элементлар курсив билан белгиланган. 3 Квадрат кавслар 4.4.5-банд асосида қўйилади. 4 Такрорланувчи элементлар юлдузча (*) билан белгиланган.		

## 5.2 Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг тавсиф схемаси

### 5.2.1 Очик фойдаланиш онлайн каталогининг тури

Зарурат туғилганда электрон библиографик ёзувга қўшимча майдонларни қўшиш мумкин. Шу тариқа, очик фойдаланиш онлайн каталоги (Online Public Access Catalogs)да маълумотларни келгусида қайта ишлаш имконияти туғилади.

Очик фойдаланиш онлайн каталоги - ёзув тури 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

Маълумотлар	Автоматик равишда қўйиладиган тиниш белгилари
Асосий сарлавҳа	:
Материалнинг умумий белгила-ниши	[ ]
Параллел сарлавҳа	=
Нашр тўғрисида маълумотлар	-
Ресурс тури (ҳажми)нинг белгила-ниши	( )

## 3-жадвалнинг охири

Маълумотлар	Автоматик равишда кўйиладиган тиниш белгилари
Нашр этиш жойи	.-
Ношир номи	:
Нашр этиш санаси	,
Материалнинг специфик белгиланиши	.
Серия	()
Изоҳлар	-
Стандарт рақами	-

## 5.2.2 Библиографик тавсифнинг халқаро стандарти - библиовид

ISBD (International Standard Bibliographic Description - Библиографик тавсифнинг халқаро стандарти) ёзувининг схемаси тавсифнинг бир неча асосий соҳаларини назарда тутди, улар ўзгартирилгандан сўнг қуйидагича кўринишга эга:

Асосий сарлавҳа [Материалнинг умумий белгиланиши] = Параллел сарлавҳа: сарлавҳага тегишли маълумотлар/жавобгарлик тўғрисида маълумотлар. – Нашр тўғрисида маълумотлар = Нашр тўғрисида параллел маълумотлар/нашрга тегишли жавобгарлик тўғрисида маълумотлар, нашр тўғрисида қўшимча маълумотлар. – Ресурс турининг белгиланиши (ресурс ҳажми). – Нашр этиш жойи: ноширнинг номи, нашр этиш санаси (Тайёрлаш жойи: тайёрловчининг номи, тайёрлаш санаси). – Материалнинг специфик белгиланиши ва физик бирликлар сони: бошқа физик характеристикалар; ўлчами + илова материали тўғрисида маълумотлар. – (Серия ёки қуйи сериянинг асосий сарлавҳаси = Серия ёки қуйи сериянинг параллел сарлавҳаси: серия ёки қуйи сериянинг сарлавҳасига тегишли маълумотлар / серия ёки қуйи серияга тегишли жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар, ISSN; серия ёки қуйи серия ичидаги рақамлаш). – Изоҳ. – Стандарт рақами = Мухим сарлавҳа: фойдаланиш шартлари ва (ёки) баҳоси.

## 5.3 Сарлавҳа соҳаси ва жавобгарлик тўғрисида маълумотлар

5.3.1 Асосий сарлавҳа – агар ахборотнинг белгиланган манбаида ундан олдин бошқа маълумотлар келса ҳам, тавсифнинг биринчи элементи.

Асосий сарлавҳа электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг бош сарлавҳаси ҳисобланади ва ахборот манбасида келтирилган кўринишда акс эттирилади. Асосий сарлавҳа турли шаклларга эга бўлиши мумкин.

5.3.1.1 Асосий сарлавҳа тематик ёки фақат ҳужжатнинг тури ёки асар жанрини белгиловчи атамадан иборат намунавий бўлиши мумкин.

**Мисоллар\*****Йиғма каталог****Славянлар тарихи****Саноат каталоглари****Ҳамма учун юридик маълумотнома****Графика ва рассомлик**

5.3.1.2 Асосий сарлавҳа шахс номидан, ташкилотнинг номидан (тўлиқ ёки қисқартирилган) иборат бўлиши, шунингдек номланган ва сарлавҳа билан грамматик жиҳатдан боғлиқ бўлган маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.

**Мисоллар****РАКМ****Катта кимёвий энциклопедия****Ҳаммаси Ўзбекистон тўғрисида**

5.3.1.3 Асосий сарлавҳа исм-шарифлар ёки акронимлар, рақамлар ёки бошқа символлар тўпламидан иборат бўлиши ёки ўз ичига олиши мумкин. Манбада мавжуд, аммо асосий сарлавҳа сифатида танланмаган тўлиқ шакл сарлавҳага тегишли маълумотлар сифатида келтирилади.

**Мисоллар****ГОСТ МБ****Microsoft Office га қўлланма****Create DB (Delphi library)****MARC SQL Management****Origins of the Constitution [Electronic resource]: Possible solution**

5.3.1.4 Асосий сарлавҳа «ёки» боғловчиси ёхуд унинг эквиваленти орқали боғланган иккита тенг ҳуқуқли сарлавҳадан иборат бўлиши мумкин (муқобил сарлавҳа).

**Мисол - Олтин калит ёки Бураино саргузаштлари**

5.3.1.5 Асосий сарлавҳа бир қанча гаплардан иборат бўлиши мумкин.

**Мисоллар****Корпоратив тармоқ. Йиғма каталог****Менинг кутубхонам. Янгича ишланг!****Компьютерлар ва комплектловчилар. Оргтехника. Периферия. Аудио-, видео- ва маиший техника. Алоқа воситалари. Автомобиллар**

5.3.1.6 Агар белгиланган манбада алоҳида асарлар сарлавҳалари ва умуман бутун электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг умумий сарлавҳаси мавжуд бўлса, умумий сарлавҳа афзал кўрилади; айрим асарларнинг сарлавҳалари изоҳ соҳасида берилади.

**Мисол - The Oxford colour Russian dictionary**

(Изоҳда \*\*: Мундар.: **The Oxford colour English dictionary. / Della Thompson**)

\* Берилган мисоллар ва барча кейинги мисолларда иллюстрация қилиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан тартибли рақамлашдан фойдаланилмаган.

\*\* Мисолларни иллюстрация қилиш мақсадга мувофиқлиги билан мазкур ва барча кейинги матн ярим қора курсив билан белгиланмаган.

5.3.1.7 Тобе сарлавҳа асосий сарлавҳани идентификация қилиш учун етарли даражада мустақил бўлмаса, асосий сарлавҳа умумий ва боғлиқ сарлавҳадан иборат бўлиши мумкин. Бундай сарлавҳалар нуқта билан ажратилади.

***Micol - New English. V. 1, Beginner level***

5.3.1.8 Асосий сарлавҳа идентификация қилиш учун етарли даражада мустақил бўлса, у фақат бўлим, илова, қисм сарлавҳасидан иборат бўлиши мумкин. Бу ҳолда умумий сарлавҳа серия соҳасида кўрсатилади.

***Micol - U.S. grain sales and shipments***

(*Серия соҳасида: GSR agricultural surveys. Белгиланган манбада: GSR agriculture surveys U.S. grain sales and shipments*)

5.3.2 Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурси умумий сарлавҳасиз бир нечта асарлардан иборат бўлса, у ҳолда асосий сарлавҳа унда мавжуд бўлмайди, алоҳида асарлар сарлавҳалари ахборотнинг белгиланган манбасида уларни келтириш тартиби бўйича тавсифда кўрсатилади. Алоҳида асарлар сонини ўтказишнинг кейинги белгиси билан биринчи учтагача чегаралаш мумкин (А илова).

***Мисоллар***

***Методический центр [Электрон ресурс] ; Корпоративная сеть библиотек / ГПНТБ России ; Российский Сводный каталог [Электрон ресурс] ; Методическая документация по созданию электронных ресурсов ; Моя библиотека / БКС***

***Crisis [Electronic resource] ; Wilderness / Lydia Horsfall***

5.3.3 Ахборотнинг битта белгиланган манбаси мавжуд бўлса, аммо унда сарлавҳанинг айнан бир хил тилдаги ва (ёки) айнан бир хил графикадаги бир қанча вариантлари бўлса, асосий сарлавҳа сифатида матбаа усули билан ажратилган сарлавҳа ёки кетма-кет жойлашган сарлавҳаларнинг биринчиси танланади.

5.3.4 Агар белгиланган манбалар бир нечта бўлса, асосий сарлавҳа манбаси сифатида иккита ёки ундан ортиқ кетма-кет тақдим этилган манбалардан биринчиси 4.3.4-бандга мувофиқ танланади.

5.3.5 Манбада асосий сарлавҳа бўлмаганда, матннинг биринчи сўзлари ёки титул экранига чиқарилган бутун матн асосий сарлавҳа сифатида келтирилиши мумкин. Агар бунинг иложи бўлмаса, сарлавҳа электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсини таҳлил қилиш асосида тузилади ва квадрат қавсларга олинади.

5.3.6 Материалнинг умумий белгиланиши ресурс тегишли бўлган материал классига бўлган кўрсатмадан иборат.

5.3.6.1 Материалнинг умумий белгиланиши дарҳол асосий сарлавҳадан кейин квадрат қавсларда библиография қилувчи муассасанинг тили ва графикасида қискартиришларсиз берилади.

***Мисоллар***

***[Электрон ресурс]***

***[Electronic resource]***

5.3.6.2 Агар объект электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресур-

сидан иборат бўлса ва бошқа тоифага тегишли бўлган қўшимча материалга эга бўлса, умумий белгиланиш фақат асосий объектга тегишли бўлади. Қўшимча материал тўғрисидаги маълумотларни илова сифатида физик характеристика соҳасида ёки изоҳ соҳасида белгилаш тавсия этилади. Улар шунингдек, спецификацияда ҳам акс эттирилиши мумкин (В илова).

**Мисол -**

***Basic English grammar [Electronic resource]***

(Электрон кўринишидаги ахборот-кутубхона ресурсига қўшимча материал илова қилинган: аудиокассеталар билан дарслик, у тўғрисидаги маълумотлар юқорида айтиб ўтилган усуллардан бири ёрдамида акс эттирилиши мумкин)

5.3.7 Параллел сарлавҳа бошқа тилдаги асосий сарлавҳанинг эквиваленти сифатида асосий сарлавҳа каби худди ўша келтириш шакллари ва қоидаларига эга. У, агар белгиланган манбада жойлаштирилган бўлса, кўрсатилади.

Асосий сарлавҳанинг тилидан фарқли бошқа тилдаги асл нусха сарлавҳаси, агар у ахборотнинг белгиланган манбасида кўрсатилган бўлса, параллел сарлавҳа сифатида кўриб чиқилади. Параллел сарлавҳалар сони библиография қилувчи муассаснинг хоҳишига кўра белгиланади.

Ҳар бир параллел сарлавҳадан олдин тенглик белгиси келади.

**Мисол -**

***Комментарий к Закону РУ [Электрон ресурс] : электр. версия узб., рус., япон. ва ингл. тил.да = «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шарҳлар***

5.3.8 Сарлавҳага тегишли маълумотлар асосий сарлавҳани очиб берувчи ва изоҳловчи ахборотни ўз ичига олади. Сарлавҳага тегишли ҳар бир турли маълумотлардан ёки бир хил маълумотларнинг турли гуруҳларидан олдин икки нуқта белгиси келади.

**Мисол -**

***R & D in Russia [Electronic resource] : RDIR : Research and development in Russia : inform. about inst. a. their focus : abstr. of diss. a. rep.***

Агар сарлавҳага тегишли маълумотлар бир хил бўлса, улар ўзаро ахборотнинг белгиланган манбасида ишлатилган белгилар билан ажратилади.

**Мисоллар**

***: dioses - simbolos - heroes***

***: ҳолат, муаммолар, истиқболлар***

Манбадаги бир хил маълумотлар ўртасида белгилар бўлмаганда улар нуқталар билан ажратилади.

**Мисол -**

***: Фондлар тўғрисидаги маълумотлар учун USMARC формати. Классификация маълумотлари учун USMARC формати. Жамоат ахборот учун USMARC формати***

5.3.9 Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар тавсифлаш объектига жойлаштирилган асарнинг интеллектуал ёки бадиий мазмуни учун жавоб-

гар шахслар ва ташкилотлар тўғрисидаги ахборотдан иборат.

5.3.9.1 Шахслар тўғрисидаги маълумотлар бевосита электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсида мавжуд бўлган ёзувчилар, расомлар, бастакорлар, матн муаллифлари, муҳаррирлар, тузувчилар, иллюстраторлар, дастурчилар, ихтирочилар ва ш.к. тўғрисидаги маълумотлардан ҳамда ишлари асосида ушбу ресурс ҳосил қилинган шахслар (масалан, асосида дастурий таъминот яратилган ишнинг муаллифи) тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлиши мумкин.

5.3.9.2 Агар ташкилотлар электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсини яратиш, тайёрлаш ёки амалга оширишда иштирок этган бўлсалар, улар тўғрисидаги маълумотлар тавсифга киритилади, бунда ресурс ёки бошқа манбадан ресурсни яратишдаги уларнинг ролини аниқлаш мумкин. Агар бу ролни аниқлаш имкони бўлмаса, ташкилотнинг номи изоҳ соҳасида кўрсатилади.

5.3.9.3 Ҳомий-ташкилот тўғрисидаги маълумотлар белгиланган манбада жойлаштирилган бўлса ва ҳомий ҳамда объект ўртасидаги алоқа сўз ёки жумла билан аниқ ифодаланган бўлса, ҳомий-ташкилот тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

5.3.9.4 Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсини яратишдаги уларнинг ролини аниқлаштирувчи илова сўзлари ёки қисқа матн билан ёки бундай сўзлар ва матнсиз шахслар ва ташкилотлар номларидан бўлиши мумкин.

***Мисоллар***

*/ А. Муминов курс раҳб.*

*/ дастурлаш — М.И. Хамидов, С.М. Масудов*

*/ А.В. Абдуллаев раҳб. ост. жамоат авт.*

*/ ЎзР Олий. хўж. суди*

5.3.9.5 Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар фақат номсиз матндан иборат бўлиши мумкин, агар бундай матн интеллектуал ҳиссани характерласа.

***Мисоллар***

*/ by a team of programmers and teachers*

*/ Arden Wilson ; with graphics by the author*

5.3.9.6 Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар илова ва бошқа илова материаллари тўғрисидаги маълумотлар билан бирга уларга тегишли бўлган ва грамматик жиҳатдан улар билан боғлиқ бўлган жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин, агар бундай маълумотлар ахборотнинг белгиланган манбасида бўлса. Бундай ҳолатда улар асосий тавсиф объектига тегишли бўлган жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлардан кейин ёзилади.

5.3.9.7 Агар бир қанча шахслар ёки ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар жавобгарликнинг битта турини билдирса, улар бир-биридан вергуллар билан ажратилади; келтирилган номлар сонини библиография қилувчи ташкилот белгилайди.

5.3.9.8 Иерархик шаклдаги ташкилотнинг номини ўз ичига олган

жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар, улар ахборот манбасида келтирилган кўринишда ва шаклда ёзилади ва вергул билан ажратилади.

*Мисол -*

*/ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Респ. ахб.-кутуб. маркази*

5.3.9.9 Агар жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларнинг бир нечта хилма-хил турлари тўғрисида ахборот мавжуд бўлса, улар бир-биридан нуқта вергул билан ажратилади. Уларни келтириш тартиби жавобгарликнинг даражасидан қатъи назар, матбаа усулида безаш ёки ахборотнинг белгиланган манбасидаги уларнинг кетма-кетлиги билан белгиланади. Агар маълумотлар белгиланмаган манбадан олинган бўлса, улар мантиқий тартибда берилади.

#### **5.4 Нашр этиш соҳаси**

5.4.1 Соҳа худди ўша хужжатнинг олдинги нашрига нисбатан ушбу нашрнинг ўзгартишлари ва (ёки) хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат.

5.4.2 Нашр тўғрисидаги маълумотлар одатда «нашр» сўзидан ёки унинг бошқа тилдаги эквивалентидан иборат. Уни алмаштирувчи «версия», «даража», «чиқариш» («level», «release», «update», «version») сўзлари фақат, агар бу кўшимча равишда электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсида тасдиқланган ҳолатда янги нашрга кўрсатма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

*Мисоллар*

*. - 2-нашр*

*. - Версия 6/6/80. Охир. модификация 29/9/81*

*. - Чиқ. 1А*

5.4.3 Нашр тўғрисидаги маълумотлар, юқорида санаб ўтилган сўзлар ва сонлардан ташқари, уни олдинги нашрлардан фарқловчи бошқа атама-лардан иборат бўлиши мумкин.

*Мисоллар*

*. - Қайта кўр. чиқ. нашр*

*. - Янги нашр.*

*. - New release*

*. - School ed.*

*. - Interactive ed. 1995 version*

5.4.4 Агар ресурснинг интеллектуал мазмунида ўзгартишлар бўлса, кўшимчалар киритилган ёки чиқариб ташланган бўлса, дастурлаш ёки операция тизим тили модификация қилинган ёки ресурснинг самарадорлиги ошган бўлса, нашр тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Элтувчининг ҳар хил турлари ёки ўлчамлари, маълумотларни тақдим этиш кодлари билан боғлиқ фарқларга, чиқариш воситаларидаги фарқларга эга бўлган ва ҳ. (масалан, узокдан фойдаланиш ресурси, эгилувчан ёки оптик дискда акс эттирилган) нашр янги нашр сифатида кўрилмайди.

5.4.5 Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсида тавсиф-

ланаётган объектнинг қисмлари ёки фрагментларига тегишли бўлган (масалан, интерактив мультимедиа шаклидаги объект) нашр тўғрисидаги маълумотларнинг бир нечта гуруҳи мавжуд бўлса, умуман ресурсга тегишли бўлган маълумотлар келтирилади. Агар умумий маълумотлар бўлмаса, қисмларга тегишли бўлган нашр тўғрисидаги маълумотлар изоҳ соҳасида жойлаштирилади (А илова).

5.4.6 Тез-тез ва доимий равишда янгиланадиган узокдан фойдаланиш ресурсларига тегишли нашр тўғрисидаги маълумотлар ҳам изоҳ соҳасида жойлаштирилади.

5.4.7 Нашр тўғрисидаги маълумотлар ахборот манбасида берилган кетма-кетликда келтирилади. Рақамли (араб ёки рим рақамлари билан) ёки сўз шаклида кўрсатилган тартиб рақами араб рақамлари билан ёзилади.

***Мисоллар***

- ***2-таҳр.***
- . - ***3-нашр, тўғр. ва қўш. кир.***
- . - ***Факс. нашр***
- ***4 CD-ROM-Ausgabe***
- . - ***2nd ed.***

5.4.8 Олдинги нашрга нисбатан жиддий ўзгаришлар аниқланганда, электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсида бўлмаган нашр тўғрисидаги тегишли маълумотлар квадрат қавсларда берилиши мумкин.

***Мисоллар***

- . - ***[Rev. ed. May 1990]***
- . - ***[Янги нашр]***

5.4.9 Нашр тўғрисидаги маълумотларда ушбу нашрни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган шахслар ёки ташкилотлар номлари келтирилади. Нашрга тегишли бўлган жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар 5.3.9-банд талабларига мувофиқ келтирилади.

***Мисол -***

- .-***Russian ed. / authorized by Mandrake Soft***

5.4.10 Нашр тўғрисидаги қўшимча маълумотлар асосий маълумотлардан кейин берилади ва улардан вергул билан ажратилади.

***Мисол -***

- . - ***2-нашр, қайта кўр. чиқ. версия***

## **5.5 Ресурс тури ва ҳажми соҳаси**

5.5.1 Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг асосий характеристикалари ресурс турининг белгиланиши - электрон маълумотлар (электрон маъл.) ва (ёки) электрон дастурлар (электрон дастур) ва унинг ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Ресурснинг тури ва ҳажми соҳаси қайтарилиши мумкин. У билан ишлаш учун зарур бўлган бошқа характеристикалар ва тизим талаблари изоҳда берилади.

Электрон маълумотларнинг қуйидаги турлари фарқланади: матнли, овозли, график, сонли, шрифтли, намоиш этиладиган ва бошқалар.

Электрон дастурлар тизимли, амалий ва сервис дастурлар билан тақдим этилган.

Электрон маълумотлар ёки дастурлар турларидан ҳар бири бўлинишнинг қуйидаги даражасига эга бўлиши мумкин, масалан, сонли маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари (демографик маълумотлар), ҳисобот маълумотлари ва ҳ. кўринишида тақдим этилиши мумкин; тизимли дастурлар операцион тизимлар, қидирув дастурлари ва ҳ. билан тақдим этилиши мумкин.

Электрон кўринишдаги битта ахборот-кутубхона ресурсида электрон маълумотлар ва ҳар хил турдаги дастурлар бирлашиши мумкин, масалан интерактив мультимедиа ресурсларида.

5.5.2 Ушбу қоидалар узоқдан фойдаланиш режимида қўллаш учун мўлжалланган ресурсга тегишли, аммо, шунингдек, турли физик - магнит, оптик, магнитооптик элтувчилардаги локал фойдалана олиш ресурсига ҳам қўлланиши мумкин.

5.5.3 Ресурс турининг белгиланиши ўз ичига ундаги материалларнинг умумлашган характеристикасини олади.

***Мисоллар***

- . - *Электрон матнли маъл.*
- . - *Электрон граф. маъл.*
- . - *Электрон. журн.*
- . - *Электрон. картогр. маъл.*
- . - *Электрон амал. дастур*
- . - *Электрон қидир. дастур*

5.5.3.1 Агар икки турдаги ресурсларнинг белгиланиши берилган бўлса, иккинчисидан олдин «ва» боғловчи ёки унинг бошқа тилдаги эквиваленти келади.

***Мисоллар***

- . - *Электрон граф. маъл. ва дастур*
- . - *Электрон маъл. ва дастур*
- . - *Electronic data and program*

5.5.3.2 Ресурс турининг белгиланиши белгиланган манбадан олиниши ёки, у бўлмаганда, ресурсни ўрганиш асосида тузилиши мумкин ва квадрат қавсларсиз келтирилади. Агар «электрон» сўзи материалнинг умумий белгиланишида мавжуд бўлса, у тушириб қолдирилиши мумкин.

5.5.4 Ресурснинг ҳажми тўғрисидаги маълумотлар думалок қавсларда берилади, чунки улар, агар зарур бўлса, батафсил характеристикаларни қўшган ҳолда манбада берилган.

***Мисол -***

- . - *Электрон маъл. ва дастур (33 файл)*

5.5.4.1 Маълумотлар ресурси учун ёзувлар ва (ёки) байтлар сони; дастур ресурси учун - операторлар ва (ёки) байтлар сони келтирилиши мумкин.

Агар файллар сони келтирилса, қолган маълумотлар икки нукта орқали кўрсатилади; бу маълумотлар ичидаги аниқлаштирувчи маълумот-

лардан олдин вергул келади.

**Мисоллар**

- . - *Электрон маъл. (3 та файл) ва дастур (2 та файл)*
- . - *Электрон маъл. (2 та файл : 70 минг ёзув)*
- . - *Электрон дастур (2 та файл : 18650 байт)*
- . - *Electronic text data (2 files : 1.6 Mbytes)*

5.5.4.2 Бир нечта алоҳида қисмлардан иборат электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурси учун ёзувлар ва (ёки) байтлар сони ҳамда операторлар ва (ёки) байтлар сони ҳар бир қисм учун алоҳида берилиши мумкин. Ёзувлар ва (ёки) байтлар сони тахминан берилиши мумкин. Агар сонини аниқлаш имкони бўлмаса, у ҳолда изохда тегишли тушунтириш берилади.

**Мисоллар**

- . - *Electronic data (2 files: 2540 records each) and programs (3 files : 7260, 3490, 5076 bytes)*
  - . - *Electronic system program (3 files : ca. 35000 bytes each)*
  - . - *Electronic text data (12 files)*
- (Изоҳ соҳасида: Ўзгарувчан узунлик ресурси)

## **5.6 Чиқувчи маълумотлар соҳаси**

5.6.1 Чиқувчи маълумотлар соҳаси электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсини нашр қилиш, ишлаб чиқариш, тарқатиш, чиқариш ва сотиш бўйича фаолиятнинг барча турлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат. Ресурсни физик жиҳатдан тайёрлашга тегишли маълумотлар соҳада келтирилади, агар юқорида айтиб ўтилган маълумотлар бўлмаса.

Соҳа таркибига нашр қилиш жойи, ношир (ишлаб чиқарувчи ва ш.к.) ва нашр қилиш санаси тўғрисидаги ахборот киради.

5.6.2 Нашр қилиш (ишлаб чиқариш ва ш.к.) жойи бўлиб, ахборотнинг белгиланган манбасида ношир (ишлаб чиқарувчи ва ш.к.)нинг номи билан боғлиқ бўлган шаҳар ёки бошқа жой ҳисобланади.

5.6.2.1 Бир нечта нашр қилиш жойлари мавжуд бўлганда матбаа усулида ажратилган ёки белгиланган манбада биринчи бўлиб кўрсатилган ном келтирилади. Тушириб қолдирилган маълумотлар квадрат қавслардаги «ва бошқ.» ёки «etc.» қисқартмаси билан белгиланади.

**Мисоллар**

- . - *Самарқанд [ва бошқ.]*
- . - *London [etc.]*

5.6.2.2 Нуқта вергул билан ажратиладиган иккинчи ва кейинги нашр қилиш жойлари келтирилиши мумкин.

**Мисол -**

- . - *Бухоро ; Хоразм*

5.6.2.3 Нашр қилиш жойи ахборот манбасида кўрсатилган орфография ва келишиқда берилиши зарур.

**Мисол -**

- . - *V Praze*

5.6.2.4. Нашр қилиш жойининг номига идентификация қилиш учун зарур бўлган қўшимчалар ва аниқликлар берилиши мумкин. Агар маълумотлар белгиланган манбада мавжуд бўлса, улар думалоқ қавсларда, агар улар бошқа манбалардан олинган бўлса, квадрат қавсларда берилади.

5.6.2.5 Агар нашр қилиш жойи тўғрисидаги маълумотлар титул варағида кўрсатилмаган бўлса, лекин улар чиқувчи маълумотларда келтирилса, у ҳолда улар сўроқ белгисисиз квадрат қавсларда берилади.

**Мисол-**

. - [Чимкент]

Агар нашр қилиш жойи маълум бўлмаса, лекин уни тахминан аниқлаш мумкин бўлса, у ҳолда у сўроқ белгиси билан квадрат қавсларда берилади.

**Мисол-**

. - [Чирчиқ?]

5.6.2.6 Агар шаҳарни аниқлаш иложи бўлмаса, лекин чиқувчи маълумотларда вилоят, штат, провинция ёки мамлакатнинг номи тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлса, у ҳолда сўроқ белгисисиз квадрат қавсларда вилоят, штат, провинция ёки мамлакат номи келтирилади.

**Мисоллар**

. - [Canada]

Агар шаҳар титул варағида келтирилмаган бўлса ва чиқувчи маълумотлар бўлмаса, у ҳолда вилоят, штат, провинция ёки мамлакат номи сўроқ белгиси билан квадрат қавсларда кўрсатилади.

. - [France?]

5.6.2.7 Нашр қилиш жойини аниқлашнинг имкони бўлмаса, у ҳолда «жойсиз» ёки «s.l.» аббревиатураси квадрат қавсларда келтирилади.

**Мисоллар**

. - [жойсиз]

. - [S. 1.]

5.6.3 Ношир (ишлаб чиқарувчи ва ш.к.)нинг номи тавсифда нашр қилиш жойи кўрсатилгандан кейин жойлаштирилади ва ундан икки нукта билан ажратилади.

**Мисол -**

**T. : Фан**

5.6.3.1 Ахборотнинг белгиланган манбасида 5.6.1-бандда кўрсатилган фаолият турларини амалга оширадиган шахслар ёки ташкилотларнинг барча тоифалари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлганда, ношир ёки нашр қилувчи ташкилот афзал кўрилади. Бошқа маълумотлар тушириб қолдирилади.

5.6.3.2 Агар ахборотнинг белгиланган манбасида биттадан ортиқ ношир (ишлаб чиқарувчи ва ш.к.)нинг номлари кўрсатилган бўлса, ҳар қандай усулда ажратилган ёки биринчи бўлиб кўрсатилган ном келтирилади. Агар иккита белги ҳам бўлмаса, у ҳолда библиография қилувчи ташкилотнинг нуктаи назаридан энг муҳим бўлган ном келтирилади. Иккинчи ва кейинги номлар тушириб қолдирилади, тушириб қолдирилган сўзлар квад-

рат кавсларда «ва б.» ёки «etc.» қисқартмаси билан белгиланади.

**Мисол -**

**Т. : Шарқ [ва бошқ.]**

(Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсида иккинчи нашр қилувчи ташкилот номи мавжуд эди : Фан)

5.6.3.3 Иккинчи ва кейинги ношир (ишлаб чиқарувчи ва ш.к.)нинг номлари келтирилиши мумкин. Улар тегишли нашр қилиш жойи билан бирга берилади ва нуқта вергул билан ажратилади (ёки агар нашр қилиш жойи битта бўлса, икки нуқта билан).

**Мисоллар**

. - *Waterloo [Ontario] : Leisure Studies Data Bank ; Chicago : National Opinion Research Center*

. - *Т. : Адолат : Шарқ*

5.6.3.4 Ношир (ишлаб чиқарувчи ва ш.к.)нинг номи ахборот манбасида мавжуд бўлган энг қисқа шаклда берилади. Зарур бўлганда, унинг ролини тушунтирувчи жумла қўшилиши мумкин.

**Мисоллар**

. - *М. : МДУ наشريёти*

. - *СПб. : ASM*

. - *Chicago : Follet Library Book [distributor]*

5.6.3.5 Агар ношир (ишлаб чиқарувчи ва ш.к.)нинг номи сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасида тўлиқ шаклда берилган бўлса, у ушбу соҳада тўлиқ шаклда, қисқа шаклда ёки тушунтирувчи матн кўринишида такрорланиши мумкин. Қисқартирилган шакл квадрат кавсларсиз берилади, агар у ахборотнинг белгиланган манбасида бўлмаса ҳам.

**Мисоллар**

*Social science citation index [Electronic resource] / Institute for scientific information. - [Philadelphia] : The Institute*

*Мир ПК [Электрон ресурс] / Организация открытые системы. - Электрон. журн. - М. : ООС*

5.6.3.6 Агар белгиланган манбада кўрсатилган шахс ёки ташкилотнинг функциясини аниқлаш иложи бўлмаса, у ҳолда улар изоҳ соҳасида жойлаштирилади.

5.6.4 Нашр қилиш (ишлаб чиқариш ва ш.к.) санаси сифатида ахборотнинг белгиланган манбасида жойлаштирилган йил кўрсатилади.

**Мисоллар**

. - *М. : KnoРус, 1997*

. - *Muncheu : Saur, 1997*

5.6.4.1 Электрон кўринишдаги динамик ахборот-кутубхона ресурслари ҳолатида ой, сана ва йил кўрсатилган ҳолда изоҳни бериш тавсия этилади.

5.6.4.2 Агар айнан бир хил сана ҳам нашрга, ҳам ишлаб чиқариш (ва ш.к.)га тегишли бўлса, бу ҳолда у охириги номдан кейин келтирилади.

**Мисол -**

. - *Lafayette (Ind.): Gary income maintenance equipment; Pittsburgh (Pa.): Social science computer research institute [distributor], 1974*

5.6.4.3 Агар нашр қилиш (ишлаб чиқариш ва ш.к.) санаси тарқатилиш санасидан фарқ қилса, у ҳолда ҳар бир сана у тегишли бўлган маълумотлардан кейин жойлаштирилади. Турли маълумотлар бир-биридан нуқта вергул билан ажратилади.

*Мисол -*

. - *Seattle (Wash.): Laser learning technologies, 1993; Hardwick (Vt.): Optical transfer [distributor], 1995*

5.6.4.4 Саналар ҳужжатда келтирилган шаклда араб рақамлари билан ёзилади. Ҳужжатдаги маълумотлар бошқа йил ҳисобида берилган бўлса, сана ва агар ҳужжатдаги сана хато деб берилган бўлса, тўғри сана квадрат қавсларда, берилади.

*Мисоллар*

, 4308 [1975]

, 1792 [1972]

5.6.4.5 Агар ҳужжатда нашр қилиш (ишлаб чиқариш ва ш.к.) кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда унинг ўрнига муаллифлик ҳуқуқи берилган сана ёки тайёрлаш санаси (квадрат қавсларсиз) берилади.

*Мисоллар*

, *cop. 1998*

, *тайёрл. 1996*

5.6.4.6 Ҳужжатни ишлаб чиқаришнинг турли жиҳатлари учун муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи (масалан, ёзма дастур, товуш, график материал, ҳужжатларни ишлаб чиқариш) сўзлар билан турли саналар кўрсатилган бўлса ва нашр қилишнинг умумий санаси бўлмаса, материални яратиш жиҳатларидан бирига тегишли бўлган муаллифлик ҳуқуқини беришнинг энг кеч санаси берилади.

*Мисол -*

, *cop. 1995*

(*Сана ёзма дастурга тегишли, товуш ва ҳужжатларга тегишли анча илгариги саналар мавжуд*)

5.6.4.7 Агар саналардан биронтасини ҳам аниқлаш иложи бўлмаса, квадрат қавсларда нашр қилиш (ишлаб чиқариш ва ш.к.)нинг тахминий санаси берилади.

*Мисоллар*

, [ок. 1990]

, [1998?]

, [198-?]

5.6.5 Агар электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсида 5.6.2-5.6.4-бандларда санаб ўтилган чиқувчи маълумотлар бўлмаса, тайёрлаш (тайёрл.) жойи ва тайёрловчи номи (тайёрл.) юқорида кўрсатилган бандларда белгиланган қодалар бўйича берилади ва думалоқ қавсларга олинади. Нашр қилиш йили бўлмаганда тайёрлаш санаси 5.6.4.5-банд бўйича келтирилади.

*Misol - [S. 1. : s. n.], 1998 (Cleveland (Ohio) : CD Wonderworks)*

### **5.7 Физик характеристика соҳаси**

5.7.1 Соҳада локал фойдаланишнинг электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурси, яъни алмаштириладиган физик элтувчидаги ресурс тавсифига тегишли бўлган маълумотлар келтирилади.

Ушбу бўлим қоидалари бир турдаги физик элтувчиларда жойлаштирилган электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсларини тавсифлаш учун мўлжалланган. Агар айнан битта ресурсдан турли физик элтувчиларда фойдаланиш қулай бўлса ва айнан битта тизимда фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса, ҳар бир физик элтувчи учун алоҳида тавсифларни тузиш тавсия этилади.

5.7.2 Соҳанинг биринчи элементи - физик элтувчи тегишли бўлган материалнинг специфик белгиланиши ва физик бирликлар сони. Материалнинг специфик белгиланиши учун атамалар:

*Мисоллар*

*Электрон микропроцессорли картриж*

*Электрон диск*

*Электрон магнит диск*

*Қаттиқ магнит диск*

*Эгилувчан магнит диск (дискета)*

*Электрон оптик диск*

*Интерактив компакт-диск (CD-I)*

*Доимий хотирага эга компакт-диск (CD-ROM)*

*Бир марта ёзув компакт-диски (CD-WORM)*

*Фото-компакт-диск (Photo-CD)*

*Интерактив видеодиск*

*Магнит тасмали электрон кассета*

*Магнит тасмали электрон чўлғам*

Агар улардан биронтаси ҳам тўғри келмаса, «электрон» таърифи билан тегишли махсус атама кўрсатилади.

Изоҳ - Агар материалнинг умумий белгиланишидан фойдаланилса, «электрон» сўзи тушриб қолдирилади.

5.7.2.1 Физик бирликлар сони материалнинг специфик белгиланишидан олдин араб рақамлари билан берилади.

*Мисоллар*

*. - 1 электрон диск*

*. - 2 electronic tape cassettes*

5.7.2.2 Оптик диск аниқ турининг белгиланиши материалнинг специфик белгиланишидан кейин думалоқ қавсларга ёзилиши мумкин.

*Мисоллар*

*. - 1 электрон опт. диск (CD-ROM) .*

*. - 3 электрон опт. диск (Photo CD) .*

*. - 1 электрон опт. диск (CD-I) .*

*. - 1 электрон опт. диск (CD-R)*

5.7.3 Бошқа физик характеристикаларга олдинги маълумотлардан икки нукта билан ажратиладиган товуш (тов) ва (ёки) ранги (ранг) тўғрисидаги ахборот тегишли.

5.7.3.1 Товуш тўғрисидаги маълумотлар товуш жўрлиги ёки товушни келтириб чиқарувчига эга бўлган ресурс учун келтирилади. Товушни қайта эшиттиришга қўйиладиган талаблар изоҳда келтирилади (5.9.4)

**Мисоллар**

. - *1 электрон диск : тов.*

. - *3 electronic disks : sd.*

5.7.3.2 Ранг тавсифи икки ёки ундан ортиқ рангларда экранга чиқариш учун мўлжалланган ёхуд икки ёки ундан ортиқ рангни келтириб чиқарувчи ресурс учун берилди.

**Мисоллар**

. - *1 электрон опт. диск (CD-R) : тов., ранг.*

. - *1 электрон опт. диск (CD-I) : тов., ранг.*

. - *2 electronic tape cassettes : col.*

5.7.4 Тавсифда келтириладиган асосий ўлчамлар, ўрловлаш ўлчамларидан қатъи назар, физик элтувчининг ўлчамларига киритилади.

5.7.4.1 Эгилувчан ёки оптик диск, шунингдек, тасмали чулғам учун диаметр сантиметрларда келтирилади. Тасманинг узунлиги ва кенлиги кўрсатилиши мумкин. Агар ресурс ҳар хил ўлчамли бир типдаги физик элтувчилардан иборат бўлса, у ҳолда дефис орқали энг кичик ва энг катта физик элтувчининг ўлчамлари кўрсатилади. Шунингдек, картриж олд юзасининг узунлиги кўрсатилади.

**Мисоллар**

. - *1 электрон эгил. диск (IBMPC) ; 14 см*

. - *3 electronic disks ; 9-14 см.*

. - *1 electronic chip cartridge : sd., col. ; 9 см.*

5.7.4.2 Қутига жойлаштирилган, электрон дисклар комплекти каби хужжатлар учун контейнер ўлчамлари берилиши мумкин.

**Мисол -**

**; контейнерда, 12 x 36 x 20 см**

5.7.5 Илова материали тўғрисидаги маълумотлар биргаликда фойдаланиш учун мўлжалланган (масалан, товушли кассета ва брошюра билан бирга электрон диск) ҳар қандай физик жиҳатдан алоҳида материал мавжуд бўлганда келтирилади.

5.7.5.1 Илова материали тўғрисидаги маълумотлар ёзуви илова материали тегишли бўлган ўша турдаги хужжатларга тааллуқли бўлган коидалар бўйича амалга оширилади.

5.7.5.2 Илова материалнинг қисқача физик характеристикаси илова материали тегишли бўлган хужжатнинг физик характеристикасидан кейин берилди.

**Мисоллар**

. - *1 электрон микропроцессор. картриж ; 19 x 9 см, 7 мм тасма : ранг. + 1 тов. кассета (17 мин.)*

. - *2 electronic disks ; 9 cm. + user manual (110 p., 23 cm.)*

5.7.5.3 Илова материали кўп жилдликнинг (В илова) спецификацияси ёки мустақил равишда алоҳида хужжат сифатида, у илова қилаётган электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурси билан боғлиқлиги тўғрисидаги мажбурий изоҳ билан тавсифланиши керак.

5.7.6 Узоқдан фойдаланишнинг электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсини тавсифлашда физик характеристика соҳаси мавжуд эмас; илова материали изоҳда белгиланади.

### **5.8 Серия соҳаси**

5.8.1 Агар электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг барча қисмлари айнан битта серия ёки қуйи серияда нашр этилса (ёки нашр этилиши мўлжалланса) серия соҳаси қўлланилади. Серия соҳаси такрорланиши мумкин. Ҳар бир серия тўғрисидаги маълумотлар думалок қавсларга олинади ва бир-биридан бўш жой билан ажратилади.

#### **Мисоллар**

. - *(ШК дунёси)*

. - *(Интерактив олам)*

. - *(Дизайнер учун CD)*

. - *(Мультимедиа ўқитиш сериялари) (Очилиш тарихи)*

. - *(abc) (Бутун жаҳон 3 D да)*

5.8.2 Сериянинг асосий сарлавҳаси тавсифда серияли нашрларга тегишли қоидаларни ҳисобга олган ҳолда тузилади, бу айниқса сериянинг умумий ва тобе сарлавҳаси мавжуд бўлганда зарур. Одатда, умумий сарлавҳа сифатида сериянинг сарлавҳаси, тобе сарлавҳа сифатида қуйи серия сарлавҳаси намоён бўлади.

#### **Мисол -**

. - *(National income patterns. Series 3, Indonesia)*

5.8.2.1 Агар қуйи серия мустақил сарлавҳага эга бўлса, у серия соҳасида асосий сарлавҳа сифатида ёзилади, умумий сарлавҳа эса изоҳда жойлаштирилади.

#### **Мисол -**

. - *(Applied statistics and econometrics ; 27)*

*(Изоҳ соҳасида : Сер. ум. сарл. : Multicollinearity and estimation studies)*

5.8.2.2 Сериянинг асосий сарлавҳаси сифатида бир қанча алоҳида қисмлардан иборат ресурснинг умумий сарлавҳаси келтирилиши мумкин, агар тавсиф объекти унинг қисмларидан бири бўлса.

#### **Мисол -**

. - *(Катта автомобиль энциклопедияси ; 2-қ.)*

5.8.3 Белгиланган манбада серия ёки қуйи сериянинг параллел сарлавҳалари мавжуд бўлганда, улар 5.3.7-банд бўйича келтирилади.

#### **Мисол -**

. - *(Talknow = Ҳозирнинг ўзида гапиришни бошланг)*

5.8.4 Серия ва қуйи сериянинг сарлавҳасига тегишли маълумотлар кўрсатилиши мумкин, агар улар уни идентификация қилиш учун зарур

бўлса. Серияга тегишли нашр тўғрисидаги маълумотларга сериянинг сарлавҳасига тегишли маълумотлар сифатида қаралади. Маълумотлар 5.3.8-банд бўйича берилади.

***Мисоллар***

. - (*New series : Museums and art collections in France*)

. - (*Computer simulation models : 2nd ed.*)

5.8.5 Агар серия ёки қуйи сериянинг асосий сарлавҳаси намунавий бўлса, жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Бошқа ҳолларда жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар тушириб қолдирилиши мумкин. Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар 5.3.9-банд бўйича келтирилади.

***Мисол -***

. - (*Bibliographical databases / INION*)

5.8.6 Сериянинг Халқаро стандарт рақами берилади, агар у ресурсда кўрсатилган бўлса. Ундан олдин вергул келади.

***Мисол -***

. - (*Elservier's interactive anatomy, ISSN 0929-2225*)

5.8.7 Серия ёки қуйи серия нашрининг рақами ҳужжатда берилган атамаларда келтирилади ва олдинги маълумотлардан нуқта вергул билан ажратилади.

***Мисоллар***

***; 8-сон***

***; a, b, c***

***; Module 2***

***; 4-нашр***

## **5.9 Изоҳ соҳаси**

5.9.1 Изоҳлар тавсифдан олдинги қисмни тўлдирари ва электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурси ва (ёки) унинг мазмунини физик расмийлаштиришнинг ҳар қандай жиҳатига тегишли бўлиши мумкин. Улар бутун тавсифга ва тавсифнинг алоҳида соҳаларига тегишли бўлади, аммо аниқ соҳага тегишли бўлмаган маълумотларга ҳам эга бўлиши мумкин. Изоҳлар гуруҳланиб, тавсиф соҳаларининг келиши тартибига мувофиқ берилади, бироқ баъзи ҳолларда энг муҳим деб ҳисобланган изоҳлар биринчи бўлиб келтирилиши мумкин. Ушбу стандартда тизим талаблари ва фойдаланиш режими тўғрисидаги изоҳлар бошқа барча изоҳлардан олдин келади.

5.9.2 Изоҳлар факультатив ҳисобланади, бироқ мажбурийлиги ушбу соҳанинг матнида белгиланган бир қатор изоҳлар мавжуд.

5.9.3 Ҳар бир изоҳ кейинги изоҳдан нуқта ва тире билан ажратилади. Агар ҳар бир изоҳ алоҳида сатрдан берилса, тире белгиси тушириб қолдирилади.

5.9.4 Тизим талаблари тўғрисидаги изоҳлар (изоҳ соҳасида биринчи бўлиб келтирилади). Локал фойдаланиш ресурслари учун мажбурий. У бир қанча техник спецификацияларни қуйидаги тартибда ўз ичига олади:

**Мисоллар**

**Компьютернинг номи, модели**

**Хотиранинг бўш ва (ёки) тезкор ҳажми**

5.9.5 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасига тегишли изоҳлар, шунингдек, электрон кўринишдаги тавсифланаётган ахборот-кутубхона ресурсида мавжуд бўлган асарнинг тили тўғрисидаги изоҳ куйидаги мисолда келтирилади.

**Мисоллар**

. - Нем.

. - Экрандаги матн фр., инг.

Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсида мавжуд бўлган асарнинг таржимаси ёки қайта ишланиши тўғрисидаги изоҳлар асар асл нусхасининг сарлавҳаси билан бирга берилади (агар у тўғрисидаги маълумотлар ахборот манбасида мавжуд бўлса).

**Мисоллар**

. - Асарлар тарж.: *Alsde dood*

. - Асарни мослаштириш : *Draculus. 1994*

Дастурлаш тили тизим талаблари тўғрисидаги изоҳда кўрсатилади.

Асосий сарлавҳанинг манбаси тўғрисидаги изоҳ мажбурий ҳисобланади.

**Мисоллар**

. - Титул экранидаги сарл.

. - Контейнердаги сарл.

. - Видеодиск ёрлигидаги сарл.

. - *DVA Labs ST-5 техник ҳужжатлардаги сарл.*

. - Папкадаги сарл.

. - Интернетнинг уй саҳифасидаги сарл.

Асосий сарлавҳадан ташқари, сарлавҳанинг барча бошқа вариантлари тўғрисида изоҳ.

**Мисоллар**

. - Контейнерда сарл. : *Spelling adventures*

. - Экрандаги иккинчи сарл. : *Personal finances and other applications*

Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларга тегишли изоҳларга электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсидан олинмаган жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар, функциялари белгиланмаган шахслар ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек ҳужжатнинг олдинги нашрлари билан боғлиқ бўлган шахслар ёки ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар ва сарлавҳа соҳасида кўрсатилмаган шахслар ва ташкилотлар тўғрисидаги бошқа маълумотлар киради.

**Мисоллар**

. - *Christiane Klapish билан ҳаммуаллиф. муз. ахбор.*

. - *Тиз. дизайнер : Henry Letow ; зв. L F Acoustics*

5.9.6 Агар нашр тўғрисидаги маълумотлар манбаси асосий сарлавҳа манбасидан фарқ қилса, электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсини нашр қилиш ва библиографик тарихи соҳасига тегишли ва нашр

тўғрисидаги маълумотлар манбаси тўғрисида изоҳлар келтирилади.

**Мисоллар**

- . - *Буклетдаги нашр тўғрисидаги маъл.*
- . - *Диск ёрлигидаги нашр тўғр. маъл.*
- . - *Ресурс охирида ахборотдаги нашр тўғр. маъл.*

Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг библиографик тарихи тўғрисидаги изоҳлар узокдан фойдаланишнинг электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг тез-тез ўзгарадиган мазмуни ёки унинг даврийлиги учун кўрсатмага эга бўлиши мумкин. Улар бу ресурснинг бошқа нашрлари билан боғлиқлигини ҳам кўрсатиши мумкин.

**Мисоллар**

- . - *Ҳар ҳафта таҳрир қилинади*
- . - *Тез-тез таҳрир қилинади; охирги таҳрир : 2/18/97*
- . - *Доимий таҳрир қилинади; версия 7 кўйилг. сана: 7 май, 1997*
- . - *Бос. нашрнинг электр. версияси 1989*
- . - *Health interview survey ga асосланган 1996*

Изоҳда электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг мазмуни, ундан фойдаланиш ёки ҳолатига тегишли саналар берилиши мумкин.

**Мисоллар**

- . - *Маълумотлар 1998 йилнинг май-июнь ойлари учун йиғилган*
- . - *Маълумотлар 1996 йилга мувофиқ келади*

5.9.7 Ресурснинг тури ва ҳажми соҳасига тегишли изоҳларга ресурс ўлчами тўғрисидаги ахборот, шу жумладан ўлчами белгиланмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар, илова материали ва ш.к. тўғрисидаги аниқлаштирувчи маълумотлар кириши мумкин.

**Мисоллар**

- . - *Ресурснинг ўлчами аниқланмаган*
- . - *Маълумотларга РL1 даги 3 дастурдан иборат серия илова қилинади*

5.9.8 Физик характеристика соҳаси маълумотларини тўлдирувчи электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг физик характеристикалари: физик элтувчиларнинг вариантлари, тавсифнинг битта объектидаги материалнинг турли тоифалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, бошқа элтувчидаги ўхшашликнинг мавжудлиги ва б. тўғрисида изоҳ.

**Мисоллар**

- . - *Маълумотлар микрошаклларда берилади*
- . - *ФОРТРАН IV, H даража*
- . - *Маълумотлар, шунингдек Интернет орқали фойдаланилади*
- . - *Босма ўхшашлик мавжуд*

5.9.9 Серия соҳасига тегишли изоҳлар тегишли соҳада келтирилмаган серия тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

**Мисол -**

- . - *Сер. ум. сарл. : Multicollinearity and estimation studies*

5.9.10 Мазмуни тўғрисидаги изоҳлар «Мазмуни» ёки «Contents» сўзи билан бошланади, ундан кейин алоҳида асарлар ёки ҳужжат таркибий қисмларининг рўйхати, уларга тегишли маълумотлар (жавобгарлик, ҳажми ва ш.к. тўғрисида) билан бирга берилади. Мазмуни тўғрисидаги изоҳларда кўрсаткичлар, кўшимча варақалар, иловалар ва ҳ. каби бошқа кўшимчалар ҳам белгиланиши мумкин.

Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг қисми учун В иловага мувофиқ алоҳида ёзув тузилиши мумкин.

**Мисоллар**

. - *Мазмуни.: 1. 1985-1989; 2.1990-1997*

. - *Мазмуни.: CD-ROM data (1:29). The young person's guide to the orchestra (16:27). Extra audio examples (55:43)*

. - *Илованинг мазмуни: Қўлланма ва схема (18 с.)*

5.9.11 Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсидан фойдаланиш шартлари тўғрисидаги изоҳлар ҳужжатнинг чекланган адади ёки чекланган равишда тарқатилиши тўғрисидаги маълумотларга эга.

**Мисоллар**

. - *Адади 250 нус.*

. - *Оммавий фойдаланиш чекланган*

5.9.12 Қандай маълумотлар асосида узокдан фойдаланиш динамик ресурсининг тавсифи олинганлигини аниқлаштирувчи изоҳлар.

**Мисоллар**

. - *Тавсиф Vol. 3, No. 3 (May/June 1995) га асосланган*

. - *Тавсиф Oct. 4, 1997, 13:22:11 санаси қўйилган версияга асосланган*

. - *Description based on home page data: 09/06/96*

5.9.13 Тавсиф объектини қамраб оладиган мавзулар ва предметларнинг ҳақиқий саноғи берилган, шунингдек махсус технологиялар ёки жараёнлардан фойдаланиш бўйича ахборот берилган резюмени ўз ичига олган изоҳлар.

5.9.14 Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсидан фойдаланишнинг эҳтимолий мақсади, унинг ўқувчиларга мўлжалланганлиги тўғрисидаги тавсия ёки потенциал характердаги ахборотдан иборат изоҳлар.

**Мисоллар**

. - *Фақат кутубхона мутахассислари учун*

. - *3-6 ёшдаги болалар учун*

. - *Алгебра билимига эга олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган*

. - *Ресурс 2010 йилгача ёпилган*

5.9.15 Рақамлар тўғрисидаги изоҳларга ISBN ва ISSNдан ташқари электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсига тегишли бўлган барча рақамлар киради.

**Мисол -**

. - *Контейнерда рақам : UH 4 RSQ – TB 8 CCM*

5.9.16 Библиография қилувчи ташкилот учун зарур бўлган ахборотдан иборат бошқа изохлар ўз ичига файллар номлари, ресурсинг таркибидагини бир манбадан ёки бошқа манбага нусха кўчириш санаси тўғрисидаги маълумотларни олади.

### **5.10 Стандарт рақами (ёки унинг муқобили) ва фойдаланиш шартлари соҳаси**

5.10.1 Маълумотлар умумий қоидалар бўйича берилади. Агар электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурси бир нечта стандарт рақамларга эга бўлса, соҳа қайтарилади. Бу бўлиши мумкин, агар ресурс биттадан ортиқ элтувчида жойлашган ёки биттадан ортиқ ношир (ишлаб чиқарувчи ва ш.к.) томонидан яратилган бўлса.

Таниб олинадиган объектни идентификация қилувчи стандарт рақами биринчи кўрсатилади. Иккинчи ва кейинги рақамлар қавсларга олинган тушунтиришлар билан берилади.

#### ***Мисоллар***

. - **ISBN 3-598-40396-8**

. - **ISBN 5-7281-0273-5**

. - **ISBN 0-13-942012-6 (disk). - ISBN 0-13-942004 (cassette)**

. - **ISBN 0 340-16427-1. - ISBN 0 340-16427-2 (хамолу)**

5.10.2 Электрон кўринишдаги серияли ахборот-кутубхона ресурсинг муҳим сарлавҳаси O‘z DSt 1215 бўйича келтирилади.

5.10.3 Фойдаланиш шартлари сифатида электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсини сотиб олишда нархи, шартлари ёки чеклашлар кўрсатилиши мумкин.

#### ***Мисол -***

. - **ISBN 0-13-94004-5X : free to educational institutions**

### **6 MARC - форматда электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсларини библиографик тавсифлаш хусусиятлари**

Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурси учун библиографик ёзувнинг яратилиши, бир томондан умумий қоидаларга бўйсунди, бошқа томондан эса, электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсида акс эттирилиши зарур бўлган бир қатор хусусиятлар мавжуд. Ҳаммадан кўп ҳал қилиниши мумкин бўлган унинг техник характеристикаларини билиш талаб қилинади, чунки ноёб техник талаблар ахборотдан фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўйиши мумкин.

Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг икки тури мавжуд: физик асосга эга (CD-ROM; DVD; дискеталар; стримерлар ва ҳ.) ва физик асосга эга бўлмаган, яъни узокдан фойдаланиш мумкин бўлган (сайтлар, обуна бўлиш бўйича маълумотлар базаси ва ҳ.)

Изоҳлар соҳаси қўшимча ахборот, шу жумладан библиография мавжудлиги, ёрдамчи кўрсаткичлар, сарлавҳадаги муқова ва титул варағидан фарқладиган қисмлари ва ҳ.к. тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олади.

Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурслари учун изох соҳаси мажбурий ҳисобланади, чунки айнан бу ерда ҳужжатнинг техник параметрлари тўғрида асосий маълумотлар берилади.

Тизим ресурслари тўғрисидаги маълумотлар (компьютер файл кўринишига изохлар). Ушбу элемент бошқа ҳар қандай изохлардан олдин берилади ва ускунага бўлган талабларни ва/ёки электрон кўринишдаги локал ахборот-кутубхона ресурслари (физик элтувчига эга) учун дастурий таъминотни акс эттиради.

**Мисол -**

***.- Тиз. талаблари: Pentium DuoCore 2800 МГц; Windows Wista; ОЗУ 2 Gb; DVD-ROM; DirectSound Тов. картаси.***

Агар электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурси ўрнатиш ва кўриб чиқиш учун алоҳида шартларни талаб қилмаса, ушбу изохларни библиографик тавсифни тузишда тушириб қолдириш мумкин.

Фойдаланиш режими тўғрисидаги маълумотлар (бошқа изохлар). Ушбу элемент электрон кўринишдаги узокдаги ахборот-кутубхона ресурслари учун келтирилади. Ушбу ҳолда адресни (URL) ва фойдаланиш шартларини (тез-тез фойдаланиш чекловини кўрсатиш тавсия қилинади) кўрсатиш лозим.

**Мисол -**

***. - Фойдаланиш режими: <http://www.standart.uz> / ёки URL: <http://www.aci.uz/>.***

Саҳифанинг тўлиқ адресини бериш лозим, чунки ушбу ҳолда компьютер автоматик равишда гиперҳаволани шакллантиради ва Интернетдан фойдаланиш мавжуд бўлганда ушбу саҳифага ўтишни таъминлайди.

Асосий сарлавҳа манбаси тўғрисидаги маълумотлар (асосий сарлавҳа манбаси). Мадомики электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурси титул варағига эга бўлмаса, у ҳолда сарлавҳа олиш манбаси албатта кўрсатилиши керак (бу билвосита нашр тўғрисидаги ахборотни беради).

**Мисол -**

***Экрандан сарл. ; диск ёрлигидан сарл. ; қўшимча иловадан сарлавҳа.***

Узокдаги ресурс тарихи тўғрисидаги маълумотлар (саналар тўғрисидаги изохлар). Ушбу элемент электрон кўринишдаги тез-тез ўзгариб турадиган ахборот-кутубхона ресурслари учун характерлидир ва охириги қатнашган ресурснинг санаси кўрсатилади (баъзида унинг рўйхатга олиш санаси ҳисобланади, кейин ушбу ресурснинг мавжудлиги адрес бўйича текширилмайди). Одатда, бу маълумотлар қавсларда келтирилади ва қандайдир белгилар билан адресдан ажратилмайди.

**Мисол -**

***(12.03.2008).***

Ёрликлардаги, қутилардаги, қўшимча иловадаги рақамлар. Ушбу элемент лицензияли дастурий маҳсулот учун характерли ва маҳсулотни идентификациялаш ва фойдаланиш учун зарур бўлган серияли, рўйхатга олинган, ижарага оид ва бошқа рақамларни ўз ичига олади. Масалан: . - дав. рўйхатига олиш рақами 0320702219.

Материалнинг босма ва электрон версиялари мавжудлигида изохлар соҳасида қоғоз элтувчининг тавсифига электрон версия тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиш тавсия этилади.

*Мисол -*

*. - Электрон версия . - Фойдаланиш режими : [www.infolib.uz](http://www.infolib.uz).*

**А илова**  
(мажбурий)

**Умумий сарлавҳаси бўлмаган электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурслари тўпламларининг библиографик ёзувлари**

А.1 Умумий сарлавҳаси бўлмаган тўпламдан иборат электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг тавсифини тузишда, сарлавҳа соҳасига тегишли маълумотларни ёзиш қуйдагича амалга оширилади:

- белгиланган манбага жойлаштирилган алоҳида асарлар сарлавҳалари 5.3.2-бандга асосан ёзилади;

- сарлавҳага тегишли маълумотлар ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар уларга тегишли белгиларни илова қилган ҳолда, улар тегишли бўлган ҳар бир сарлавҳадан кейин берилади. Барча сарлавҳалар учун умумий маълумотлар, зарур ҳолларда, тушунтиришларни илова қилиб барча алоҳида сарлавҳалардан кейин охирида жойлаштирилади; агар бу қийин бўлса, умумий маълумотлар изоҳ соҳасига жойлаштирилади;

- алоҳида асарларга тегишли қайта нашр этиш тўғрисидаги маълумотлар сарлавҳа соҳасида ушбу асар тўғрисидаги бошқа маълумотлар охирида ёзилади, улардан олдин вергул қўйилади. Барча асарлар учун нашр тўғрисидаги умумий маълумотлар нашр соҳасида ёзилади, бу ерда у сарлавҳа соҳасидан нукта ва тире билан ажратилади. Бошқа маълумотлар умумий қоидалар бўйича ёзилади.

**Мисол – Асосий ёзув**

*Методический центр [Электрон ресурс] ; Корпоративная сеть библиотек / ГПНТБ России. - Электрон маъл. ва даст. - М. : ГПНТБ, 2007. - 2 электрон опт. диск (CD-ROM). + 1 бр. (27 см). - (Наши игры). - Тизим талаблари: 486 DX 2 дан ; 66 МГц ; видеоплата 1 Мб (VESA) ; тов. плата SB-мослашувчан ; Windows XP. - Диск ёрлиқларидан сарл. - дав. рўйхатига олиш рақами 0329800240, 1000 нусха.*

**Мисол - Иккинчи асар учун ёзув**

*Корпоративная сеть библиотек/*

*Методический центр [Электрон ресурс] ; Корпоративная сеть библиотек / ГПНТБ России. - Электрон маъл. ва даст. - М. : ГПНТБ, 2007. - 2 электрон опт. диск (CD-ROM).*

**Мисол - Асосий ёзув**

*Российский Сводный каталог [Электрон ресурс] ; Методическая документация по созданию электронных ресурсов ; Моя библиотека / БКС [бутун тўпламга]: курс изучения созд. ЭК. - Электрон маъл. ва даст. - М. : ГПНТБ, 2006. - 1 электрон опт. диск (CD-ROM): тов., ранг. - (25 кадр). - Тизим талаблари: 256 Мб ОЗУ ; MS Windows XP ва ундан юқори ; тов. карта ; сичқонча - Диск ёрлиқларидан сарл.*

**Мисоллар**

**Методическая документация по созданию электронных ресурсов  
Электрон ресурсларни яратиш бўйича услубий хужжатлар  
Российский Сводный каталог [Электрон ресурс] ; Методическая  
документация по созданию электронных ресурсов ; Моя библиотека /  
БКС [бутун тўпламга]: курс изучения созд. ЭК. - Электрон маъл. ва  
даст. - М.: ГПНТБ, 2006. - 1 электрон опт. диск (CD-ROM)**

**Моя библиотека**

**Методическая документация по созданию электронных ресурсов  
Российский Сводный каталог [Электрон ресурс] ; Методическая  
документация по созданию электронных ресурсов ; Моя библиотека /  
БКС [бутун тўпламга]: курс изучения созд. ЭК. - Электрон маъл. ва  
даст. - М.: ГПНТБ, 2006. - 1 электрон опт. диск (CD-ROM)**

А.2 Умумий сарлавҳаси бўлмаган тўпламнинг иккинчи ва кейинги асарлари учун таҳлилий тавсифлар тузилиши мумкин (электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг таркибий қисми учун) (С илова).

**В илова**  
(мажбурий)

**Бир нечта алоҳида қисмлар (нашрлар)дан иборат электрон  
кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг  
йиғма библиографик ёзувлари**

В.1 Умумий сарлавҳага эга бўлган электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурси учун қуйида санаб ўтилган вариантлардан бири бўйича бир даражали тавсиф тузилиши мумкин.

Асосий сарлавҳа сифатида алоҳида қисм сарлавҳаси келтирилади, умумий сарлавҳа эса, серия соҳасида кўрсатилади (5.3.1.7. ва 5.8.2.2-бандларга қар.).

Асосий сарлавҳа сифатида қисмларнинг умумий сарлавҳаси ва алоҳида қисм сарлавҳасининг бирикмаси олинади (5.1.3.6-банд учун ми-солга қар.)

Асосий сарлавҳа сифатида қисмларнинг умумий сарлавҳаси келтирилади, алоҳида қисмлар сарлавҳалари мундарижада кўрсатилади (5.9.10-бандга қар.).

В.2 Алоҳида қисмлардан иборат электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурси учун кўп даражали йиғма тавсиф тузилиши мумкин, агар биринчи даражада асосий сарлавҳа сифатида электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг умумий сарлавҳаси берилса, ундан кейин электрон кўринишдаги барча ахборот-кутубхона ресурси учун умумий бўлган бошқа маълумотлар жойлаштирилади. Агар ресурс қисмларининг нашр этилиши мўлжалланса, биринчи қисмнинг чиқиш йили кўрсатилади, ундан кейин тире қўйилади. Умумий қисмнинг қолган элементлари умумий қоидалар бўйича берилади.

Иккинчи даражада спецификация - ҳар бир алоҳида қисмга тегишли ахборот жойлаштирилади. Қисмнинг белгиланиши ва (ёки) рақамидан кейин икки нуқта қўйилади, ундан кейин аниқ қисмнинг асосий сарлавҳаси берилади. Спецификациянинг қолган элементлари умумий қоидалар бўйича берилади.

**Мисол -**

**23 учебных курса [Электрон ресурс]. - Электрон маъл. - М. : ООС, 2009 – Тизим талаблари: Pentium 90 МГц ; RAM 8 Мб ; Windows 95, 98, NT, XP ; SVGA High Color ; CD-drive 8x. - Контейнердан сарл.**

**1-қисм : Игры 6 Между мирами. Римская империя. Секрет фараона. Масяня под желтым прессом. - 1 электрон опт. диск (CD-ROM). - дав. рўйхатиға олиш рақами 0329800025, 3000 нусха.**

**2-қисм : Антивирусы. Игры. - 1 электрон опт. диск (CD-ROM) + илова (2 с.). - дав. рўйхатиға олиш рақами 0329800026, 3000 нусха.**

**3-қисм: Антивирус Касперского 2010. - 1 электрон опт. диск (CD-ROM) + илова (2 с.). - дав. рўйхатиға олиш рақами 0329800027, 3000 нусха.**

В.3 Ўхшаш усулда электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг иловалари ёки илова материаллари бўлган физик алоҳида объектларнинг тавсифи тузилиши мумкин.

***Мисоллар***

***History of the Indian Tribes of North America : The first Issue [Electronic resource]. - Cleveland (Ohio) : Polyglot Media, cop. 1994. - 1 electronic optical disc (CD-ROM) : sd., col. ; 12 cm. - System requirements : IBM-compatible PC ; DOS 5.0 or higher ; 1MB RAM ; hard disk with 10 MB free space ; CD-ROM player. - Title from disc label.***

***McKenney & Hall's. History of the Indian Tribes of North America : The first Issue / Greg Clifton. - New York : Hyperglot publishers, [2002]. - 128 p. : ill ; 28 cm.***

**С илова**  
(мажбурий)

**Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурси  
таркибий қисмининг библиографик ёзуви**

С.1 Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг таркибий қисми (алоҳида асар, боб, бўлим, параграф ва ш.к.) тавсифда бутун электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг бир даражали тавсифига мундарижа кўринишида акс эттирилиши мумкин (5.9.10-бандга қар.).

С.2 Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсининг таркибий қисми учун кўп даражали (таҳлилий) тавсиф тузилиши мумкин, агар биринчи даражада асосий сарлавҳа сифатида таркибий қисмининг сарлавҳаси, ундан кейин ҳужжатнинг таркибий қисми тўғрисидаги ахборотдан иборат қолган элементлар берилса.

Иккинчи даражада, хатбошидан ёки икки қия чизикдан кейин бутун электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурси тўғрисидаги маълумотлар берилади (умумий қодалар бўйича).

**Мисоллар**

*Калимуллин Т.Р. Российский рынок диссертационных услуг : (боши) / Т.Р. Калимуллин // Экон. социология [Электрон ресурс]. - Электрон журн. - 2005. - Т. 6, № 4. - С. 14–38. - Фойдаланиш режими : <http://www.ecsoc.msses.ru/Mag.php>*

*Любашевский Ю. Брендинг в России / Ю. Любашевский // Маркетолог [Электрон ресурс]. - Электрон журн. - 2005. - 21 окт. - Фойдаланиш режими : <http://www.marketolog.ru>*

*Научная библиотека // Российский государственный гуманитарный университет [Электрон ресурс]. - Электрон маъл. - М., сор. 1996-2005. - Фойдаланиш режими : <http://www.rsuh.ru/section.html?id=677>*

**Дилова**  
(маълумот учун)

**Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг  
библиографик ёзувларига мисоллар**

**D.1 Локал фойдаланиш ресурслари**

D1.1 Муаллиф остида

**Мисоллар**

*Ноубл, Дж. Flex 3 [Электрон ресурс] : сборник рецептов / Дж. Ноубл, Т. Андерсон. - Электрон маъл. - СПб. : Символ - Плюс, сор. 2009. - 1 электрон. опт. диск (CD-ROM) : тов., ранг. ; 12 см. - Тизим талаблари: Microsoft Windows XP ёки Windows NT (руслашган тавсия этилади); 256 Мб ; видеокарта ва 800 x 600 режимини қўллаб-қувватловчи монитор, 65 мн. ранг.; сичқонча ёки ўхшаш қурилма ; Microsoft Windows билан мослашган тов. карта. - Диск ёрлигидан сарл.*

*Резник, С. Основы Windows Communication Foundation для .NET Framework 3.5 [Электрон ресурс] / С. Резник. - Электрон маъл. - М. : ДМК Пресс [ва б.], 2008. - 1 электрон. опт. диск (CD-ROM) ; 12 см + фойдаланувчининг қўлланмаси (8 с.) - (Электрон китоб). - Тизим талаблари: операц. тизим Windows XP, NT) ; CD-ROM дисковод ; сичқонча. - Экрандан сарл.*

*Глушаков, С.В. Настраиваем сеть своими руками [Электрон ресурс] : научно - производственная лит-ра / С.В. Глушаков. - Версия 2.0. - Электрон маъл ва даст. - М. : АСТ, 2008. - 1 электрон. опт. диск (CD-ROM) ; 12 см. - Тизим талаблари: Windows XP. - Экрандан сарл. - дав. рўйхатига олиш рақами 0329600098, 2000 нусха.*

*Сергеев, А. Настройка сетей Microsoft дома и в офисе [Электрон ресурс] : учебный курс / А. Сергеев. - Электрон маъл. ва даст. - СПб.: Питер, 2006. - 1 электрон. опт. диск (CD-ROM). - Тизим талаблари: Windows XP. - Экрандан сарл. - дав. рўйхатига олиш рақами 0329900020.*

D1.2 Сарлавҳа остида

**Мисоллар**

*Технологии определения местоположения в GSM и UMTS [Электрон ресурс] : учеб. пособие. - Электрон. матнли, граф., тов. маъл. ва амалий даст. (546 Мб). - М. : Экон-Трендз [ва бошқ.], 2005. - 1 электрон. опт. диск (CD-ROM) + Фойдаланувчи қўл. (1л.) + табрикнома (1л.).*

*Analytic Combinatorics [Multimedia] : with index. - New York : Cambridge University Press, 2009. - 1 электрон. опт. диск (CD-ROM).*

*Internet resources for Eurasia [Electronic resource] : [interactive textbook]. - Electronic data's and u programs. - Seattle : Center for Civil Society International, 2007. - 1 electronic opt. disk (CD-ROM) + appendix (127 p.). - System requirements : RAM 256 Мб ; Windows XP. - Title from display.*

*A journalist's guide to the Internet [Electronic resource]. - Electronic data's and u programs. - Boston : Allyn and Bacon, 2003. - 1 электрон. опт. диск (CD-ROM). - System requirements : RAM 256 Мб ; Windows XP. - Title from display.*

*Московские прогулки [Электрон ресурс] : Архитектура. История. Быт москвичей. - Электрон. маъл. - М. : Кирилл и Мефодий, сор. 1997. - 1 электрон. опт. диск (CD-ROM)*

*10 лет избирательной системе Российской Федерации [Электрон ресурс] : графика, видеоматериалы, хроника / продюсер О.А. Фиошин ; идея, сценарий Д.Б. Орешкин. - М. : Группа "Меркатор", 2003. - 1 электрон. опт. диск (DVD-ROM).*

*Гидроаэромеханика [multimedia resource on CD-ROM]. - Multimedia resources (10 directories; 100 files; 740MB). - М: РХД, 2002.-1 электрон. опт. диск ( CD-ROM) + Фойдаланувчи қўлланмаси. - (Электронная библиотека). - PDF-форматида 27 та китоб. - Windows 95/98/ ME/NT/ 4,0/2000; Internet Explorer 4,0 ёки ундан юқори; Internet Explorer 5.0 ;Adobe Acrobat 4.0 ; CD-ROM дисковод. - Контейнердан сарл.*

*Жертвы политического террора в СССР [multimedia resource on CD-ROM] / Международное общество "Мемориал"; Комиссия по реабилитации жертв политических репрессий при Президенте РФ; Музей и общественный центр им. А. Д. Сахарова; Региональная общественная организация "Открытая Россия". - 3-нашр., қайта иш. ва қўш. - Multimedia resources (615 Мб). - М. : Звенья, 2004. - 2 электрон. опт. диск (CD-ROM); контейнерда + фойдаланувчи қўлланмаси (16 с.). - Диск 1 : База данных о жертвах политического террора в СССР - более 1 340 000 имен. Библиография "Книги памяти жертв политических репрессий в СССР"; Диск 2 : Сталинские расстрельные списки. Памятники и памятные знаки. ГУЛАГ. НКВД. Принудительные миграции в СССР. Постсталинские репрессии. Реабилитация. Избранная библиография по истории политических репрессий. - Presentations; Text files. - Windows 95; Internet Explorer 5.0., Adobe Acrobat 4.0; 800x600; 80 Мб ОЗУ; CD-ROM дисковод. - Контейнердан сарл.*

*Реферативные журналы ВИНТИ (ЭлРЖ) [multimedia resource on CD-ROM]: Z-1215: 2 полугодие / Всерос. ин-т науч.и техн. информации. - Multimedia resources (38 directories; 480 files; 740MB). - М. : ВИНТИ, 2001. - 1 электрон. опт. диск (CD-ROM). - Windows 95; Internet Explorer 5.0 ;CD-ROM дисковод. - Контейнердан сарл.*

## **D.2 Узокдан фойдаланиш ресурслари**

### **Мисоллар**

*The American Historical Association [Electronic resource]. – Electronic data. - Washington, сор. 2004. - Mode access :<http://www.historians.org/members/benefits.htm>*

*Музеи России [Электрон ресурс]. - Электрон. маъл. - [М.]. : Рос.*

*сеть культур. наследия, сор. 1996-2005. - Фойдаланиш режими : <http://www.museum.ru/>*

*Encyclopedia Britannica Cd97 [Electronic resource]. - Version 1.1. - Electronic data. - [S. l.] : Encyclopedia Britannica Inc., 1997. - 1 electronic optical disk (CD-ROM).*

*Современный экономический словарь [Электрон ресурс]. - Электрон. маъл. - [М.] : Яндекс словари, 2001-2010. – Фойдаланиш режими : <http://slovari.yandex.ru/>*

*Computer Science Books Online [Electronic resource]. - Electronic data's. - [S.l.] : Science Books Online, сор. 2009-2010. - access conditions : <http://www.sciencebooksonline.info/>*

*Dissertation Express for Libraries [Electronic resource]. - Electronic data's. - [S.l.] : ProQuest LLC, сор. 2010. - access conditions : <http://www.proquest.com/>*

## Библиография

- [1] ISO 2709:2008   Информация и документация - Формат для информационного обмена (Information and documentation -- Format for information exchange)

УЎТ 002.5:006.354

СУТ 01.140

T62

Асосий сўзлар: библиографик ёзув, библиографик тавсиф, электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурслари, электрон маълумотлар, электрон дастурлар, тавсиф соҳалари, тавсиф элементлари, тизим талаблари, фойдаланиш режими

---

«UNICON.UZ» ДУК  
директор ўринбосари

Ж. Максудов

Ишланма раҳбари,  
Республика ахборот-кутубхона маркази  
бош мутахассиси

О. Рустамова

Жавобгар бажарувчи,  
«UNICON.UZ» ДУК  
Стандартлаштириш таянч  
ташкilotи бошлиғи

Е.Синяшина

Бажарувчи,  
«UNICON.UZ» ДУК  
Стандартлаштириш таянч ташкilotи  
II тоифали муҳандиси

Ш. Эльчиева

Норма назорати

М. Комилова

#### КЕЛИШИЛГАН

Ўзбекистон алоқа ва  
ахборотлаштириш агентлиги  
Дастурий маҳсулотларни  
ишлаб чиқариш ва бозорини  
ривожлантириш бўлими бошлиғи

З. Рахматуллаев  
2011 йил 18 августдаги  
17-8/3497-сон хати

#### КЕЛИШИЛГАН

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
директор ўринбосари

И. Мамина  
2011 йил 9 августдаги  
372-сон хати

#### КЕЛИШИЛГАН

Давлат алоқа инспекцияси  
бошлиғи

Ш. Атамухамедов  
2011 йил 24 августдаги  
32-12/1014-сон хати